

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

қўлёзма ҳуқуқида

УДК 547.898.639.5.07+542.95

МАМАРОЗИҚОВ УМИДЖОН БАХТИЁРОВИЧ

**ЦИКЛОГЕКСЕН ВА ГЕПТЕН-1 ЛАРНИНГ ФАЗАЛАРАРО
КАТАЛИЗАТОР 4', 4''(5'')-ДИ-УЧЛАМЧИ-БУТИЛ ДИБЕНЗО-18-
КРАУН-6 ИШТИРОКИДА ОКСИДЛАНИШ РЕАКЦИЯЛАРИ**

Мутахассислик: 5A140501 кимё (фан йўналишлари бўйича)

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

Кимё магистри академик даражасини олиш учун

Илмий раҳбар:

к.ф.д., проф. Ташмухамедова А.К.

« ____ » _____ 2014 й

Тошкент-2014

МУНДАРИЖА

ДИССЕТАЦИЯДАГИ ШАРТЛИ ҚИСҚАРТИРИШЛАР.....	2
КИРИШ.....	3
I БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.....	7
1. Органик моддаларни фазалараро катализаторлар иштирокида оксидланиш реакциялари.....	9
II БОБ. НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	19
Қўшбоғ тутган органик моддаларнинг фазалараро катализаторлар иштирокида оксидланиш реакциялари.....	20
2. 1. Алкен ва алкинларни фазалараро катализаторлар ёрдамида Оксидланиш реакциялари.....	22
2. 2. Циклик моддаларнинг фазалараро катализаторлар ёрдамида оксидланиш реакциялари.....	38
III БОБ. ТАЖРИБАЛАР БЎЛИМИ.....	50
3. 1. Циклогексенни катализатор 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил-добензо-18-краун-6 иштирокида KMnO_4 ёрдамида 20-25° С да оксидланиш реакцияси.....	50
3.2.Циклогексенни катализатор 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил-добензо-18-краун-6 иштирокида KMnO_4 ёрдамида 60° С да оксидланиш реакцияси..	51
3. 3.Циклогексенни катализатор 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил-добензо-18-краун-6 иштирокида KMnO_4 ёрдамида 90° С да оксидланиш реакцияси.....	52
3. 4.Гептен-1 ни катализатор 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил добензо-18-краун-6 иштирокида KMnO_4 ёрдамида 20-25° С да оксидланиш реакцияси.....	53
3. 5.Гептен-1 ни катализатор 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил добензо-18-краун-6 иштирокида KMnO_4 ёрдамида 60° С да оксидланиш реакцияси.....	54
3.6.Гептен-1 ни катализатор 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил добензо-18-краун-6 иштирокида KMnO_4 ёрдамида 90° С да оксидланиш реакцияси.....	55
ХУЛОСА.....	56

Диссертациядаги шартли қисқартиришлар.

1. ТЭБАХ – триэтилбензиламмоний хлорид.
2. ДБ18К6 – дибензо-18-краун-6
3. $Q^+ X^-$ - тетроалкиламмоний галогенид
4. ГАФТА – гексаамилфосфотриамид
5. ТБАХ – тетрабутиламмоний хлорид
6. t-Bu – учламчи бутил
7. 18К6 – 18-краун-6
8. ДЦГ18К6 – дициклогексано-18-краун-6
9. Аликват 336 - триоктилметиламмоний хлорид
10. ДТБДБ18К6 - 4',4''(5'')-ди-трет-бутил-дибензо-18-краун-6

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда кимё фани жадал ривожланиб бормоқда. Бир қанча илмий текшириш институтлари, турли олийгоҳлар кафедралари ва лабораторияларида кимё фанида кўплаб янги ютуқларга эришилмоқда.

Кимё саноатида, фармацевтикада, қишлоқ хўжалигида, турли бўёқлар олишда, пестицидлар, гербицидлар тайёрлашда органик моддаларнинг аҳамияти беқиёс. Албатта юқоридаги сохаларда хомашё муҳим роль ўйнайди. Маҳсулот олиш учун алкиллаш, ациллаш, diazotirlash, қайтарилиш каби реакциялар қаторида оксидланиш реакциялари ҳам жуда муҳимдир. Оксидланиш реакцияларида катализаторларнинг қўлланилиши маҳсулот унумини оширишда қулай воситадир. Фазалараро катализаторлар эса икки бошқа-бошқа фазадаги моддаларнинг ҳам ўзаро реакцияларини амалга ошириш имконини беради. Оксидланиш реакцияларини ўтказишда краун эфирлар, криптандлар ва бошқа фазалараро катализаторлар кенг қўлланилмоқда. Шу жумладан Ўзбекистон Миллий Университети, органик кимё кафедраси ходимлари ҳам «макроциклик эфир моддалар» устида илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Шундай илмий изланишлар натижасида олинган 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил-дибензо-18-краун-6 фазалараро катализатори сифатида юқори натижаларга эришишда аҳамиятлидир. Ушбу катализатор ёрдамида алкиллаш, ациллаш каби бир қанча реакциялар юқори унум олиш билан ўтказилди. Энди 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил-дибензо-18-краун-6 катализатори оксидланиш реакциялари учун ҳам тадбиқ қилинмоқда.

Мазкур магистрлик диссертациясида 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил-дибензо-18-краун-6 ни циклогексен ва гептен-1 ларни оксидланиш реакцияларида қўлланилиши ўрганилди.

Ишнинг мақсади: 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил дибензо-18-краун-6 ни циклогексен ва гептен-1 ларни оксидланиш реакцияларида катализатор сифатида қўллаш. Худди шу реакцияларни классик катализатор ТЭБАХ ёрдамида олинган натижаларни таққослаш.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим :

1. Хона хароратида, ҳамда 60⁰С ва 90⁰С да циклогексенни КМnО₄ билан оксидланиш реакцияларини ўрганиш.
2. Харорат 25⁰, 60⁰, 90⁰С бўлганда циклогексен ва гептен-1 ларнинг КМnО₄ ёрдамида классик катализатор ТЭБАХ иштирокида оксидланиш реакцияларини ўрганиш.
3. Харорат 25⁰, 60⁰, 90⁰С бўлганда циклогексен ва гептен-1 ларнинг КМnО₄ ёрдамида, катализатор сифатида 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил дибензо-18-краун-6 ни қўллаб оксидланиш реакцияларини ўтказиш.
4. Натижаларни таққослаб оксидланиш реакциялари учун энг самарали катализаторни аниқлаш ва бошқа оксидланиш реакциялари учун қўллашни таклиф қилиш.

Тадқиқот объекти ва предмети: олиб борилган тадқиқотнинг объекти 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил дибензо-18-краун-6 катализатори предмети эса циклогексен ва гептен-1 ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари: Ушбу тадқиқотда асосан тажриба усули ва кузатув усулларидан фойдаланилди.

Ишнинг илмий янгилиги: Кимёда циклогексен ва гептен-1 ларнинг оксидланиш реакцияларида биринчи марта катализатор 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил дибензо-18-краун-6 қўлланилмоқда

Химоя қилинадиган асосий натижалар:

- Циклогексенни 25⁰, 60⁰, 90⁰С хароратларда фазалар аро катализатор 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил дибензо-18-краун-6 иштирокида оксидланиш реакциялари ва унинг натижалари.
- Гептен-1 ни 25⁰, 60⁰, 90⁰С хароратларда фазалар аро катализатор 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил дибензо-18-краун-6 иштирокида оксидланиш реакциялари ва унинг натижалари.

Ишнинг илмий ва амалий аҳамияти: Катализатор 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил дибензо-18-краун-6 ни циклогексен ва гептен-1 ларнинг оксидланиш реакцияларидаги натижалари классик катализатор ТЭБАХ кўрсатган натижаларидан самарали бўлганлиги учун бошқа моддаларнинг ҳам оксидланиш реакцияларида 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил дибензо-18-краун-6 қўлланилса юқори унумдорликка эришилади.


Ишнинг тузилиши ва таркиби: Ушбу магистрлик диссертацияси компьютер матнида ёзилган бўлиб, 65 бетни ташкил этади у 3 та боб; адабиётлар шархи (1-боб), тажриба натижалари ва уларнинг муҳокамаси (2-боб), тажрибалар бўлими (3-боб), шунингдек, иш юзасидан қилинган хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертацияда 9та жадвал келтирилган.

Ишнинг муҳокамаси ва илмий журналларда эълон қилинганлиги
Фазаларо катализатор 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил-дибензо-18-краун-6 иштирокида ўтказилган оксидланиш реакцияларнинг натижалари асосида олинган маълумотлар кафедра мажлисида муҳокама қилинди ва химояга тавсия этилди. Олинган натижалар асосида 2 та маъруза тезиси Ўзбекистон Миллий университетида ўтказилган кимё факультети ёш олимлар

коференцияси ва “Кимё муаммолари ёш олимлар нигоҳида” номли тўпламда
чоп этилди.

АДАБИЁТЛАР ШАРХИ

Фазалараро катализаторлар ёрдамида оксидланиш реакцияларини дастлаб Гибсон ва Хоскинг [1] кўллаганлар. Улар шуни аниқладиларки сувда эримайдиган апротон моддаларни калий перманганат оксидловчиси ёрдамида метилтрифениларсоний катализатори иштирокида октен-1, пропанол-1, пропанол-2, гептанол-4, 1-нитропропан, 2-нитропропан ва чумоли алдегидларини оксидланиш реакцияларини ўтказдилар. Лекин Гибсон ва Хоскинг ўз ишларини давом эттирмадилар. Бу методни Старкс [2] эса нейтрал шароитда октен-1 ни калий перманганат оксидловчиси ёрдамида оксидланиш реакциясига кўллади. Катализатор сифатида тўртламчи аммоний тузини ишлатди. Хона хароратида реакция натижа бермади реакция унуми жуда паст бўлди. Реакция харорати 50-70⁰ С га кўтарилди, натижада октен-1 дан гептан кислотаси, децен-1 дан эса нонан кислотаси синтез қилинди. Маҳсулот унуми 91% ни ташкил қилди.




Херриот ва Пиккер[3] калий перманганатни сувда эритиб эритмага тетрабутиламмоний бромид кўшиб жуда яхши оксидловчи экстракция хосил қилдилар. Улар яна фазалараро катализаторлардан бензилтриэтиламмонийхлорид, тетрабутиламмонийбромид, тетрабутилфосфоний хлорид, ацетилтриметил аммоний бромид, трикаприлметиламмоний хлоридларнинг катализаторлик хоссаларини ўргандилар. Свен ва Окимото[4] фазалараро катализаторлар устида олиб борган ишларида жуда кўп реакциялар орқали бу катализаторлар ёрдамида юқори маҳсулдорликка эришиш мумкинлигини исботладилар. Калий перманганатни сувдаги эритмасига бензолда эриган трикаприл метиламмоний

хлорид қўшиб бир нечта субстратларни оксидланиш реакциялари ўтказилди. Натижалар қуйидаги жадвалда келтирилган.


Калий перманганат билан каталитик оксидланиш реакцияси маҳсулотлари.

Реакцияга киришаётган моддалар	Хосил бўлган кислоталар	Маҳсулот унуми
Октен-1	Гептан кислотаси	81%
<i>Транс</i> -Стильбен	Бензой кислота	95%
н-Октанол	Октан кислотаси	47%
Бензил спирти	Бензой кислота	92%
Фенилацетонитрил	Бензой кислота	86%

Фазаларо катализаторлар ёрдамида пилероналдан пилеронал кислотаси ҳам олинди.



Реакцияда ацетилтриметил аммоний бромид катализатори ишлатилди бунда унум 65%ни ташкил қилди. Олефинларни фазаларо катализаторлар иштирокида калий перманганат ёрдамида оксидланганда реакция қўшбоғнинг узилиши ҳисобига кетди. Бу оксидланиш реакцияси Вебер ва Шепердлар томонидан [6] бензилтриэтиламмоний хлорид ёрдамида 0° С хароратда олиб борилди. Натижада 1,2-ди алкил этилендан цис-гликол олинди [5].




Бу метод ёрдамида олинган гликоллар агар сувда эриса оксидланиш реакцияларини давом эттириб кўзланган маҳсулотлар олса бўлади. Окимото


ва Сверн олеил ва элоидил спиртлар оксидланишидан эритро- ва трио-октадекан диол-9,10 олдилар. Калий перманганат краун эфир иштирокида кутбсиз эритувчиларда осон эрийди бунда $KMnO_4$ краун эфир билан комплекс бирикма хосил қилади[4]. Сем ва Симмонс ўз ишларида дициклогексил-18-краун-6 эфирини тайёрлаб калий перманганатнинг бензолда 0.06М ли эритмасини тайёрлаб олдилар[7]. Бу реагент орқали бир нечта субстратлар оксидланди. Улар қуйидаги жадвалда келтирилган

Субстрат	Махсулот	унум
Бензгидрол	Бензофенон	90%
Толуол	Бензой кислота	90%
Ксилол	Толуил кислота	78%
Циклогексен	Адипин кислота	90%
Пинен	Пинон кислотаси	90%
Трас-стильбен	Бензой кислота	100%
н-Гептанол	Гептан кислотаси	70%
Бензальдегид	Бензой кислотаси	100%

Яна бир фазаларо реакцияда калий перманганат, 18-краун-6 эфири ва эритувчи сифатида дихлорметилен эфири ёрдамида пирокатехин орто-хинон гача оксидланади.[8] Бу метод жуда юмшоқ усулда кетиб кўзланган мақсадга осон эришилади. Беқарор моддани хосил қилишда ахамиятлидир.



Калий хромат иони ГАФТА ёрдамида дибензо-18-краун-6 катализатори иштирокида бромидларнинг оксидланиш реакциялари ўтказилди. Бу реакция нуклеофил алмашиниш реакцияси орқали боради.



Бромидларни оксидланиш реакциялари натижалари куйидаги жадвалда келтирилган.

Субстрат	унум
Этил-4-бром-3-метилбутеноат	95%
1-бром-3-метилбутен-2	78%
Бензилхлорид	80%
Бензил бромид	98%
н-Бромоктан	20%
Герацилбромид	82%
Дифенилметилбромид	95%
9-Бромфлуорен	97%
Фарнезилбромид	80%

Гипохлорит ионии билан хам фазалараро оксидланиш реакцияларни ўтказишда юқори натижаларга эришилган. Гипохлорид ва бензил спиртининг реакциясида метилен хлорид эритувчи сифатида ишлатилди катализатор сифатида эса тетрабутил аммоний хлориди олинди[9]. Бунда спиртдан алдегид синтез қилинди.



Бундай усулда ўтказилган реакциялар қуйидаги жадвалда келтирилган.

Субстрат	Маҳсулот	Эритувчи	Унум(%)
$C_6H_5CH_2OH$	Альдегид	CH_2Cl_2	76
4- $ClC_6H_4CH_2OH$	-	CH_2Cl_2	82
4- $CH_3C_6H_4CH_2OH$	-	CH_2Cl_2	78
	-	$CH_3COOC_2H_5$	100
2- $CH_3OC_6H_4CH_2OH$	-	CH_2Cl_2	79
	-	$CH_3COOC_2H_5$	92
4- $CH_3OC_6H_4CH_2OH$	-	CH_2Cl_2	79
	-	$CH_3COOC_2H_5$	92
$(C_6H_5)_2CHOH$	кетон	CH_2Cl_2	82
9-Флуоренол	-	CH_2Cl_2	92
Цикло- $C_7H_{13}OH$	-	$CH_3COOC_2H_5$	89
Норборнано-2	-	$CH_3COOC_2H_5$	36
4-трет- C_4H_9 -цикло- C_6H_{10}	-	$CH_3COOC_2H_5$	49
Цикло- $C_6H_{11}NH_2$	Циклогексанон	$CH_3COOC_2H_5$	98
2-норборниламин	Норбоннанон-2	$CH_3COOC_2H_5$	84
$(C_6H_5)_2CHNH_2$	бензофенон	$CH_3COOC_2H_5$	94
$C_6H_5CH(CH_3)NH_2$	Ацетофенон	$CH_3COOC_2H_5$	98
Цикло- $C_6H_{11}CH_2NH_2$	циклогексилцианид	$CH_3COOC_2H_5$	76
н- $C_8H_{17}NH_2$	н- $C_7H_{15}CN$	$CH_3COOC_2H_5$	60

Ли ва Фридман диққатини бир маълумотга қаратдилар. Этилацетат унумдор эритувчи экан. Метилен хлориддан фойдаланиб фазалараро катализатор иштирокида гипохлорид оксидловчи сифатида олинганида аминларни кетонгача ёки нитрилгача оксидлайди[9].







Хиндистон олимлари бирламчи спиртларни оксидлаш учун универсал усулни аниқладилар. Улар субстрат ва спирт; водород пероксид; Na_2WO_4 ; бисульфаттетрабутиламмоний катализатори иштирокидаги реакцияларда юқори унумдорликка эришдилар[10].. Ишлар қуйидаги жадвалда келтирилган.

Реакцияга киришаётган моддалар	Реакция маҳсулоти	Вақти	Маҳсулот унуми
$PhCH_2OH$	$PhCHO$	8 соат	75%
$PhCH_2OH$	$PhCOOH$	18 соат	100%
$4-MeC_6H_4CH_2OH$	$4-MeC_6H_4CHO$	18 соат	87%
$4-O_2NC_6H_4CH_2OH$	$4-O_2NC_6H_4CHO$	18 соат	52%
$C_7H_{15}OH$	$C_6H_{13}COOH$	18 соат	89%
$PhCH_2CH_2OH$	$PhCH_2COOH$	18 соат	84%
$C_6H_{13}OH$	$C_5H_{11}COOH$	18 соат	87%
$t-BuCH_2OH$	$t-BuCOOH$	18 соат	59%
$4-MeOC_6H_4CH_2OH$	$4-MeOC_6H_4COOH$	18 соат	87%

Олимлар томонидан олеин ва рицинол кислоталарини каталитик системада пероксо, полиоксо комплексида ва катализатор сифатида фосфатметилтриоктиламмоний ишлатилиб тегишли кислоталар синтез қилиб олинди[11].




Украин олимлари бензил спиртини фазалараро катализатор ёрдамида оксидланиш реакцияларини ўтказдилар. Бу жараёнда $K_2Cr_2O_7$ ва курук метилен хлориддан фойдаланилган. Катализатор сифатида 15-краун-5, 18-краун-6, цис-син-цис-дициклогексано-18краун-6 ва бифенил-20-краун-6 лар қўлланилган. Барча реакцияда фақат бензалдегид олинган. Энг юқори унум 96% ни ташкил қилган.[12]




Олимлар 1,3 диоксацикланни фазалараро катализатор ёрдамида оксидлаб мураккаб эфирлар синтез қилдилар. Катализатор сифатида дибензо-18-краун-6 олинган ва жараён 50°C да олиб борилган. Реакция унуми 85% ни ташкил қилган [13].



Фазалараро системада спиртларни оксидлаб юмшоқ усулда карбон кислота олиш усули ўрганилган. Бу реакция харорати 20°C ни ташкил қилган. Хромат кислотаси оксидловчи сифатида, диметилсульфооксид активатор сифатида, 18-краун-6 эса катализатор сифатида қўлланилган. [14]




3-(3,4-диметокси)-фенил -1-пропенни фазалараро катализатор иштирокида оксидланиш реакцияси ўрганилган. Реакция натижасида 3,4-диметоксифенилацеталдегид олинди. Махсулот унуми 85% ни ташкил қилган.[15]




Циклогексен ва стиролларни микротўлқин ёрдамида қиздириб фазалараро оксидланиш реакцияси ўтказилган. Бу реакцияда вольфрам тузи фазалараро катализатор сифатида, оксидловчи эса водород пероксид ишлатилган. Маҳсулот унумини 90% гача оширишга эришилган.[16]




Адипин кислотасини экологик тоза усулда олишни янги йўли ишлаб чиқилган. Бу усул «янги йўл» номи билан аталди. Бу жараёнда циклогексен 27.5% ли водород пероксид эритмасида $\text{Na}_2\text{WO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ катализатори ёрдамида оксидланади. Унга қўшимча модда сифатида $(\text{C}_8\text{H}_{17})_3\text{W} \cdot \text{H}_2\text{SO}_4$ қўшилган натижада адипин кислотаси олиш унуми 91% гача ошган. Реакция 70°C да олиб борилган. [17]




Стильбенни калий перманганат ёрдамида дициклогексано-18-краун-6 катализатори иштирокида оксидланиш реакцияси натижасида бензой кислота синтез қилинган. Реакция унуми 98%ни ташкил қилган.[18]




Стилбенни оксидланиш реакцияси аликват336 фазалараро катализатори ва калий перманганатнинг сувли эритмасида ўтказилганда ҳам бензой кислотаси синтез қилинган. Бунда реакция унуми 53% ни ташкил қилди [19,20].



Яна бир адабиётда децен-1 ни калий перманганатнинг сувли эритмасида олиб борилган реакция ҳақида маълумот берилган. Катализатор сифатида аликват336 олинган. Реакция натижасида нонан кислотаси 91% унум билан синтез қилинган [21].




Октен-1 ҳам калий перманганатнинг сувли эритмасида аликват336 катализаторлигида оксидланган бунда реакция натижасида гептен кислотаси синтез қилинган. Реакция унуми 81%ни ташкил этган. [22]



Худди шу реакция дициклогексано-18-краун-6 катализатори иштирокида олиб борилган натижада реакция унуми 78% ни ташкил қилган[23 24].




Калий перманганатнинг сувдаги эритмасида бензолда эриган циклогексенни фазалараро катализатор иштирокида оксидланганида адипин кислотаси олинган. Катализатор сифатида дициклогексано-18-краун-6 олинган. Реакция натижасида унум 90% га этган. [25]




α -Пиненнинг ҳам оксидловчи калий перманганатнинг қаттиқ холида олиб дициклогексано-18-краун-6 фазалараро катализатори иштирокида оксидланиш реакцияси ўтказилган. Реакция натижасида цис-пинон кислотаси олинган. Маҳсулот унуми 100% га етказилган.[27]

Алкенларнинг бир нечта вакили калий перманганатнинг сувдаги эритмасида оксидланиш реакцияси олиб борилганда улардан карбон кислоталари синтез қилинган. Катализатор сифатида аликват336 олинган. Маҳсулот унуми 90% га етказилган.[26]



Алкинлар ҳам калий перманганатнинг сувдаги эритмасида оксидланганида реакция натижасида карбон кислоталар синтез қилинган. Фазалараро катализатор сифатида аликват336 олинган.[26, 27] Маҳсулот унуми 90% ни ташкил қилган.



Адабиётда 9-октадеценнинг Bu_4NBr , $\text{C}_{16}\text{H}_4\text{NMe}_3\text{Br}$ иштирокида оксидланиш реакцияси ўтказилган. Оксидловчи сифатида калий перманганатнинг сувдаги эритмаси олинган. Реакцияда унум 80%ни ташкил қилган[28]


Адабиётда қуйидаги реакция ҳам калий перманганатнинг сувдаги эритмаси ёрдамида ўтказилган. Реакция 5 соат давомида 80⁰С да олиб борилган ва унум 69%ни ташкил қилган. [29]



Адабиётда қуйидаги реакция ҳам калий перманганатнинг сувдаги эритмаси ёрдамида олиб борилган. Катализатор сифатида дициклогексано-18-краун-6 олинган. Унум 60%ни ташкил қилган. [30].



Қуйидаги реакцияда калий перманганатнинг сувдаги эритмасидан ва фазалараро катализатор аликват336 дан фойдаланиб 70% ли унумга эришилганга [31].




Япон кимёгар олимлари п-хлорбензальдегиднинг бензолдаги эритмасини фазалараро катализатор ёрдамида оксидланиш реакцияларини ўтказганлар[30]. Оксидловчи сифатида водород пероксиди олинган. Фазалараро катализатор вазифасини Bu₄NHSO₄ бажарган. Реакция 0⁰С хароратда олиб борилди. Реакция натижасида п-хлорбензой кислотаси синтез қилинган.



А. Поулс ва Р. Кротилар циклогексадиеннинг калий перманганатнинг сувдаги эритмаси ва озгина NaOH иштирокидаги оксидланиш реакциясини ўтказганлар. Реакция 25⁰С дан юқори хароратда олиб борилган. Фазалараро катализатор вазифасини дициклогексано-18-краун-6 бажарган. Реакцияда бензол ажратиб олинди лекин реакция вақти 18 соатни ташкил қилган[32].

А.Брандстром олефинларни фазалараро катализаторлар ёрдамида оксидланиш реакцияларини ўрганган. А.Брандстром 30% ли водород пероксид ёрдамида гептанални оксидлаб гептан кислотасини синтез қилган. [33,34] Маҳсулот унуми 86%ни ташкил этган. Реакция вақти 10 соатдан кўп вақтни талаб қилган.



А. Хейнс кўплаб органик моддаларни фазалараро катализаторлар ёрдамида оксидланиш реакцияларини ўтказган. У алкенлар, алкинлар ва аренларларни калий перманганат ёрдамида оксидлаб юқори унум билан оксидланиш маҳсулотларини олган. [37]

Адабиётларда яна спиртлар, альдегидлар ва кетонларнинг фазалараро катализаторлар ёрдамида оксидланиш реакциялари ўтказилиб юқори унумдорликка эришилганлиги айtilган. [40]

Адабиётда фазалараро катализаторлар 1,3-нафталиндиамин ва 1,2-фенилендидиаминларни қўллаб циклогексен оксидланган ва натижада 90% унум билан адапин кислотаси синтез қилинган. [41]

Олимлар 4',4''(5'')-ди-трет-бутил-добензо-18-краун-6 ни катализатор сифатида қўллаб гексен ва этилбензолни оксидланиш реакцияларини ўтказдилар. Бу катализаторни бошқа катализаторлардан устун томонларини кўрсатиб берганлар. Оксидлаш натижасида гексендан валериан кислотаси этилбензолдан эса бензой ва бензоил чумоли кислоталари аралашмасини юқори унум билан синтез қилинган. [42]



Келтирилган адабиёт маълумотларидан кўриниб турибдики, органик бирикмаларни фазалараро катализ шароитида оксидлаш жадал суратда олиб борилмоқда. Бу ишларда янги, самарали фазалараро катализаторини қўллашга интилиш юқоридир.

ФАЗАЛАРАРО КАТАЛИЗАТОРЛАР ЁРДАМИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ОКСИДЛАНИШ РЕАКЦИЯЛАРИ (НАТИЖАЛАРИ ТАХЛИЛИ.)

Фазалараро катализаторлар синтез қилингандан бери жуда кўп реакциялар ўтказилди ва катализаторлар синаб кўрилди. Оксидланиш реакцияларида ҳам бу катализаторнинг ишлатилиши олинishi қийин бўлган оксидланиш маҳсулотларини синтез қилинишига туртки бўлди.

Янги фазалараро катализатор 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил дибензо-18-краун-6 ёрдамида оксидланиш реакциялари деярли ўтказилмаган. Ушбу магистрлик иши мазкур катализаторни оксидланиш реакцияларида қўллашга бағишланган.

Адабиётларда фазалараро катализаторлар ёрдамида оксидланиш реакциялари жуда кўп моддалар билан ўтказилган. Катализатор сифатида эса кўплаб фазалараро катализаторлар қўлланилган. Циклогексеннинг оксидланиш реакциялари ҳам фазалараро катализаторлар ёрдамида олиб борилган[7]. Циклогексеннинг оксидланиш реакциясида дициклогексано-18-краун-6 ишлатилган. Реакция сувсиз мухитда олиб борилган. Эритувчи сифатида бензол танланган. Реакция 50⁰, 70⁰, 90⁰С хароратларда синаб кўрилган. Харорат ортгани сари маҳсулот унуми ошиб бориши аниқланди. Унум 90% гача кўтарилиб адипин кислотаси ажратиб олинган.

Сем ва Симмонслар калий перманганатни оксидловчи сифатида ишлатиб турли реакцияларни турли фазалараро катализаторлар иштирокида олиб бордилар. Қуйидаги қаторда катализаторларнинг самарадорлиги ошиб бориши аниқланган[7]. 18-краун-6 < дибензо-18-краун-6 < бензо-15-краун-5 < дициклогексано-18-краун-6. Реакцияга катализатор қўшилганида у калий ионини боғлаб фаол перманганат ионини хосил қилади. Фазалараро катализатор калийни қанчалик маҳкам боғласа реакция шунчалик шиддатли ва юқори унум билан бориши аниқланган.

С.М. Старкс ўз ишларида жуда кўп тўйинмаган углеводородларни оксидланиш реакцияларини ўтказган. У калий перманганатнинг сувли

эритмасида фазалараро катализаторлар дибензо-18-краун-6 ни қўллаб октен-1 ни оксидланиш реакциясини ўтказди[4]. Реакция 25⁰ хароратда ўтказилиб октен-1дан гептан кислотаси синтез қилинган. Реакция аралаширилган ҳолатда олиб борилиб реакция давомийлиги 18 соатни ташкил қилган. Реакцияда унум 81%ни ташкил қилган.

А.В. Херриот ва Д.Пиккерлар спиртларни оксидланиш реакцияларида фазалараро катализатор дициклогексано-18-краун-6, оксидловчи сифатида калий перманганатнинг сувдаги эритмасини ишлатганлар. Реакция 8 соат давомида 50⁰дан юқори хароратда ўтказилган. Эритувчи сифатида бензол олинган [3]. Улар октанол-1 дан октан кислотаси, гептнол-1 дан эса гептан кислоталарини ажратиб олинган.

Япон кимёгар олимлар п-хлорбензальдегиднинг бензолдаги эритмасини фазалараро катализатор ёрдамида оксидланиш реакцияларини ўтказдилар[30]. Оксидловчи сифатида водород пероксиди олинган. Фазалараро катализатор вазифасини V_4NHSO_4 бажарган. Реакция 0⁰С хароратда олиб борилган. Реакция натижасида п-хлорбензой кислотаси синтез қилинган.

Мезителендан фазалараро катализатор ёрдамида оксидланиш реакциялари орқали тримезин кислотаси синтез қилинган. Катализатор сифатида V_4NCl олинган. Бензол эритувчи вазифасини бажарган[31]. Реакция хона хароратида ўтказилган.

А. Поулс ва Р. Кротилар циклогексадиенни калий перманганатнингсувдаги эритмаси ва озгина NaOH иштирокида оксидланиш реакциясини ўтказганлар. Реакция 25⁰С дан юқори хароратда олиб борилган. Фазалараро катализатор вазифасини дициклогексано-18-краун-6 бажарган. Реакцияда бензол ажратиб олинган лекин реакция вақти 18 соатни ташкил қилган[32].

А.Брандстром олефинларни фазалараро катализаторлар ёрдамида оксидланиш реакцияларини ўрганган. А.Брандстром 30% ли водород

пероксид ёрдамида гептанални оксидлаб гептан кислотасини синтез қилган. [33,34] Махсулот унуми 86%, реакция вақти 10 соатдан кўп бўлган.


Чхикара ва Чандра Рамешлар бирламчи спиртларни фазалараро катализаторлар ёрдамида оксидланиш реакцияларини ўтказганлар. Улар водородпероксиди, натрий вольфрамат, бисульфат тетрабутиламмонийларни оксидланиш реакцияси учун танлаб олдилар[10]. Реакцияларнинг барчаси қиздириш йўли билан олиб борилган. Махсулотлар унуми ҳам қониқарли аммо барча реакцияларнинг ўтказилиш вақти 8 соатдан 18 соатгача бўлган.

Юқоридаги маълумотларга асосланган ҳолда биз ўз тажрибаларимизда циклогексен ва гептен-1ларни калий перманганатнинг сувли эритмаси билан краун эфирлар иштирокида оксидлаш реакцияларини олиб бордик.

2.1 Циклогексенни ТЭБАХ ва 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил дибензо-18-краун-6 фазалараро катализаторлари иштирокидаги оксидланиш реакциялари

Дастлаб биз лабораторияда шароитида катализаторсиз циклогексенни оксидланиш реакциясини ўтказишга қарор қилдик. Бунинг учун циклогексенни 1 г. (1.23 мл 0.012 моль) ўлчаб олинди. Колбага 100 мл дистилланган сув қуйиб 5.2 г. (0.033 моль) калий перманганатнинг эритмасини тайёрлаб олдик. Ўлчаб олинган циклогексенни аста секин томчилатиб қуйдик. Циклогексен ўзига хос хидга эга. Колбани оғзи маҳкамланиб яхшилаб аралаштирилди. Калий перманганат колбани тўқ бинафша рангга бўяди. Реакцияга киришаётган моддалар магнитли аралаштиргичга жойлаштирилди. Реакция вақти белгилаб қўйилди. Моддалар аралаштирилган холда реакция 1 соат олиб борилди. Реакцияни тўхтатгач моддалар бир оз тиндиришга қўйилди. Реакция кетаётган колбадаги моддалар тинганидан сўнг эритма икки қисмга ажралиб қолди. Моддалар устки қисмида мойсимон модда остки қисмида эса калий перманганат эритмаси қолди. Моддалар ажратиб филтрланиб олинди. Филтрдан моддалар ўтказилганида жуда оз миқдорда жигарранг модда филтрда қолди. Филтрдан ўтган аралашма HCl эритмаси ёрдамида кислотали мухитга келтирилди ва усти ёпилган холатда бир соат давомида тиндирилди. Тиндирилган моддалар аралашмасидан циклогексенни ўзига хос хиди анқиб турар эди. Моддалар чинни чашкада сув хаммомида буғлатилди. Буғлантириб олинганидан сўнг идиш остида сиёхранг смолага ўхшаш модда олинди. Модда таркибида калий перманганат бўлганлиги сабабли модда шундай рангда бўлган. Моддага аста секин спирт(96%ли) томизилди чунки спиртта адипин кислотаси осон эрийди. Эритма аста секин аралаштирилиб чўкмадан ажратилди. Эритма буғлатилди. У ерда оппоқ лекин жуда ҳам оз модда хосил бўлди. Модда ўлчанганида 0.12 г. ни ташкил қилди. Назарий жихатдан олинган бу миқдор 7% унумни ташкил

килди. Бундан кўринадики катализаторсиз ҳам реакция маълум миқдорда кетади.



Мана шу жараён 1 соатда эмас балки 5 соат давомида олиб борилди. Бунда ҳам реакцияга киришаётган моддалар магнитли аралаштиргичга жойлаштирилди. Реакция вақти белгилаб қўйилди. Моддалар аралаштирилган холда реакция 5 соат олиб борилди. Реакцияни тўхтатгач эритма кислотали мухитга келтирилиб моддалар бир оз тиндаришга қўйилди. Реакция кетаётган қолбадаги моддалар тинганидан сўнг система икки қисмга ажралиб қолди. Моддалар устки қисмида мойсимон модда остки қисмида эса калий перманганат эритмаси қолди. Моддалар филтрланиб олинди. Филтрдан моддалар ўтказилганида жуда оз миқдорда жигарранг модда филтрда қолди. Филтрдан ўтган аралашма усти ёпилган ҳолатда бир соат давомида тиндирилди. Тиндирилган моддалар аралашмасидан циклогексенни ўзига хос хиди анқиб турар эди. Моддалар чинни чашкада сув хаммомида буғлатилди. Буғлантириб олинганидан сўнг идиш остида сиёхранг смолага ўхшаш модда олинди. Модда таркибида калий перманганат бўлганлиги сабабли модда шундай рангда бўлган. Моддага аста секин спирт(96%ли) томизилди чунки спиртда адипин кислотаси осон эрийди. Эритма аста секин аралаштирилиб чўкмадан ажратилди. Сув хаммомида аста секин буғлатилди, натижада чини косачада оппоқ модда қолди. Модда ўлчанганида 0.28 г. ва бу назарий жихатдан 15% унум ни ташкил қилади. Демак реакция вақти ортиши билан махсулот унуми ҳам ортиб бориши тажрибада аниқланди.

Кейинги реакцияларни механик аралаштиргич, тескари совутгич ва термометр билан жихозланган колбада ўтказдик. Массаси юқоридагидек 1 г. (1.23 мл 0.012 моль) циклогексен ўлчаб олинди. Колбага 100 мл дистилланган сув қуйиб унга 5.2 г. (0.033 моль) калий перманганатни эритмасини тайёрлаб олдик. Ўлчаб олинган циклогексенни аста секин томчилатиб қуйдик. Колбани оғзи махкамланиб қиздирган холда реакцияни давом эттирдик. Реакция харорати 60°C гача кўтарилди. Калий перманганатни тўқ бинафша ранги қисман ўзгарди. Юқоридагидек реакция 5 соат давомида олиб борилди. Реакцияни тўхтатилгач эритма кислотали мухитга келтирилди моддалар бир оз тиндаришга қўйилди. Реакция кетаётган колбадаги моддалар тинганидан сўнг система икки қисмга ажралиб қолди. Моддалар устки қисмида мойсимон модда остки қисмида эса калий перманганат эритмаси қолди. Моддалар филтрланиб олинди. Филтрдан моддалар ўтказилганида филтрда кўпроқ жигарранг тусли марганец оксиди қолди. Моддалар чинни чашкада сув хаммомида буғлатилди. Буғлантириб олинганидан сўнг идиш остида сиёхранг смолага ўхшаш модда олинди. Модда таркибида калий перманганат бўлганлиги сабабли модда шундай рангда бўлган. Моддага аста секин спирт(96%ли) томизилди чунки спиртда адипин кислотаси осон эрийди. Эритма аста секин аралаштирилиб чўкмадан ажратилди. Эритма буғлатилди. У ерда оппоқ лекин жуда оз модда хосил бўлди. Модда ўлчанганида у 0.45 г. (25%)ни ташкил қилди. Демак реакция қиздириш билан олиб борилса унум 25% гача кўтарилар экан. Адабиётларда ҳам [7] хароратни кўтарилиши махсулот унумини ортишига олиб келиши айтилган.

Адабиётларда фазалар аро катализатор иштирокида ушбу реакция унуми кўтарилгани айтилган[7]. Фақат адабиётда катализатор сифатида дициклогексано-18-краун-6 ишлатилган у ердаги маълумотларга асосланиб биз ҳам янги катализаторни 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил дибензо-18-краун-6ни циклогексенни оксидланиш реакциясига қўлладик.

1 г. (1.233мл) циклогексен ўлчаб олиниб уни таги ясси колбага солдик. Бошқа колбада 100 мл сувда 5.2 г. KMnO_4 эритиб олинди. Дастлабки колбага эритма

аста секин қуйилди. Эритма аралаштирилди. Циклогексен суюқлик юзасига чиқди. Колбага 0.1 г. ТЭБАХ (три-этил бензил аммоний хлорид) солиб колбани устки қисми маҳкамланади. Колбадаги моддалар 1 соат давомида аралаштирилди. Сўнг реакция тўхтатилди. Реакция давомида калий перманганатни тўқ бинафша ранги қисман жигарранга бўялди. Моддалар филтрланганда филтрда MnO_2 қолди. Филтрдан ўтган суюқлик чинни косачада сув хаммомида буғлатилди. КОН ни нейтраллаш учун филтрдан ўтган эритмага HCl аста секин томизилди. Спирт ёрдамида адипин кислота Ажратиб олинди. Спиртли эритма буғлатилганида оппоқ рангли адипин кислота Ажратиб олинди. Спиртдан Ажратиб олинган моддага сирка кислотаси қуйилди у ердаги катализаторни Ажратиб олиш мақсадида. Адипин кислотани массаси ўлчанганида 0.32 г. (18%) ни ташкил қилди.

Худди шу реакция 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил дибензо-18-краун-6 катализатори иштироида ўтказилди. бунинг учун 1 г. (1.23 мл) циклогексен ўлчаб олиниб уни таги ясси колбага солинди. Бошқа колбада 100 мл сувда 5.2 г. $KMnO_4$ эритиб олинди. Дастлабки колбага эритма аста секин қуйилди. Эритма аралаштирилди. Циклогексен суюқлик юзасига чиқди. Колбага 0.1 г. 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил ДБ18 К6 солиб колбани устки қисми маҳкамланди. Колбадаги моддалар магнитли аралаштиргич ёрдамида аралаштирилган ҳолатда реакция 1 соат давомида олиб борилди. Реакция давомида калий перманганатни тўқ бинафша ранги қисман жигарранга бўялди. Моддалар филтрланганда филтрда MnO_2 қолди. Филтрдан ўтган суюқлик чинни косачада сув хаммомида буғлатилди. КОН ни нейтраллаш учун филтрдан ўтган эритмага HCl аста секин томизилди. Спирт ёрдамида адипин кислота Ажратиб олинди. Спиртли эритма буғлатилганида оппоқ рангли адипин кислота Ажратиб олинди. Спиртдан Ажратиб олинган моддага аста секин бензол қуйилди ва у ердаги катализатор ажратиб олинди. Чунки 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил ДБ18 К6 бензолда яхши эрийди. Адипин кислотани массаси ўлчанганида 0.39г ни ташкил қилди бу ҳисобланганида 22% маҳсулот унуми эканлиги аниқланди

1 г. (1.23 мл) циклогексен ўлчаб олиниб уни таги ясси колбага солдик. Бошқа колбада 100 мл сувда 5.2 г KMnO_4 эритиб олинди. Дастлабки колбага эритма аста секин қуйилди. Эритма аралаштирилди. Циклогексен суюқлик юзасига чиқди. Колбага 0.1 г. ТЭБАХ (три-этил бензил аммоний хлорид) солиб колбани устки қисми махкамланади. Колбадаги моддалар 2 соат давомида аралаштирилди. Сўнг реакция тўхталди. Реакция давомида калий перманганатни тўқ бинафша ранги қисман жигарранга бўялди. Моддалар филтрланганда филтрда MnO_2 қолди. Филтрдан ўтган суюқлик чинни косачада сув хаммомида буғлатилди. КОН ни нейтраллаш учун филтрдан ўтган эритмага HCl аста секин томизилди. Спирт ёрдамида адипин кислота Ажратиб олинди. Спиртли эритма буғлатилганида оппоқ рангли адипин кислота Ажратиб олинди. Спиртдан Ажратиб олинган моддага сирка кислотаси қуйилди у ердаги катализаторни Ажратиб олиш мақсадида. Адипин кислотани массаси ўлчанганида 0.53г. (30%) ни ташкил қилди.

Худди шу реакция 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил дибензо-18-краун-6 катализатори иштироида ўтказилди. Бунинг учун 1 г. (1.23 мл) циклогексен ўлчаб олиниб уни таги ясси колбага солдик. Бошқа колбада 100 мл сувда 5.2 г KMnO_4 эритиб олинди. Дастлабки колбага эритма аста секин қуйилди. Эритма аралаштирилди. Циклогексен суюқлик юзасига чиқди. Колбага 0.1 г. 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил ДБ18 К6 солиб колбани устки қисми махкамланди. Колбадаги моддалар магнитли аралаштиргич ёрдамида аралаштирилган ҳолатда 2 соат давомида олиб борилди. Реакция давомида калий перманганатни тўқ бинафша ранги қисман жигарранга бўялди. Моддалар филтрланганда филтрда MnO_2 қолди. Филтрдан ўтган суюқлик чинни косачада сув хаммомида буғлатилди. КОН ни нейтраллаш учун филтрдан ўтган эритмага HCl аста секин томизилди. Спиртли эритма буғлатилганида оппоқ рангли адипин кислота Ажратиб олинди. Спиртдан Ажратиб олинган моддага аста секин бензол қуйилди у ердаги катализаторни Ажратиб олинди. Чунки 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил ДБ18 К6 бензолда яхши

эрийди. Адипин кислотани массаси ўлчанганида 0.62г. (35%) ни ташкил қилди.

1 г. (1.23 мл) циклогексен ўлчаб олиниб уни таги ясси колбага солдик. Бошқа колбада 100 мл сувда 5.2 г KMnO_4 эритиб олинди. Дастлабки колбага эритма аста секин қуйилди. Эритма аралаштирилди. Циклогексен суюқлик юзасига чиқди. Колбага 0.1 г. ТЭБАХ (три-этил бензил аммоний хлорид) солиб колбани устки қисми махкамланади. Колбадаги моддалар 3 соат давомида аралаштирилди. Сўнг реакция тўхталди. Реакция давомида калий перманганатни тўқ бинафша ранги қисман жигарранга бўялди. Моддалар филтрланганда филтрада MnO_2 қолди. Филтрдан ўтган суюқлик чинни косачада сув хаммомида буғлатилди. КОН ни нейтраллаш учун филтрдан ўтган эритмага HCl аста секин томизилди. Спирт ёрдамида адипин кислота Ажратиб олинди. Спиртли эритма буғлатилганида оппоқ рангли адипин кислота Ажратиб олинди. Спиртдан Ажратиб олинган махсулотга катализаторни Ажратиб олиш мақсадида сирка кислотаси қуйилди. Адипин кислотани массаси ўлчанганида 0.92г. (52%) ни ташкил қилди.

Худди шу реакция 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил дибензо-18-краун-6 катализатори иштироида ўтказилди. бунинг учун 1 г. (1.23 мл) циклогексен ўлчаб олиниб уни таги ясси колбага солдик. Бошқа колбада 100 мл сувда 5.2 г KMnO_4 эритиб олинди. Дастлабки колбага эритма аста секин қуйилди. Эритма аралаштирилди. Циклогексен суюқлик юзасига чиқди. Колбага 0.1 г. 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил ДБ18 К6 солиб колбани устки қисми махкамланади. Колбадаги моддалар магнитли аралаштиргич ёрдамида аралаштирилган ҳолатда 3 соат давомида олиб борилди. Сўнг реакция тўхталди. Реакция давомида калий перманганатни тўқ бинафша ранги қисман жигарранга бўялди. Моддалар филтрланганда филтрада MnO_2 қолди. Филтрдан ўтган суюқлик чинни косачада сув хаммомида буғлатилди. КОН ни нейтраллаш учун филтрдан ўтган эритмага HCl аста секин томизилди. Спирт ёрдамида адипин кислота Ажратиб олинди. Спиртли эритма буғлатилганида оппоқ рангли адипин кислота Ажратиб олинди. Спиртдан Ажратиб олинган

моддага аста секин бензол куйилди у ердаги катализаторни Ажратиб олиш мақсадида. Чунки 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил ДБ18 К6 бензолда яхши эрийди. Адипин кислотани массаси ўлчанганида 1 г. (55%) ни ташкил қилди.

1 г. (1.23 мл) циклогексен ўлчаб олиниб уни таги ясси колбага солдик. Бошқа колбада 100 мл сувда 5.2 г. KMnO_4 эритиб олинди. Дастлабки колбага эритма аста секин куйилди. Эритма аралаштирилди. Циклогексен суюқлик юзасига чиқди. Колбага 0.1 г. ТЭБАХ (три-этил бензил аммоний хлорид).

солиб колбани устки қисми махкамланади. Колбадаги моддалар 5 соат давомида аралаштирилди. Сўнг реакция тўхталди. Реакция давомида калий перманганатни тўқ бинафша ранги қисман жигарранга бўялди. Моддалар филтрланганда филтрада MnO_2 қолди. Филтрдан ўтган суюқлик чинни косачада сув хаммомида буғлатилди. КОН ни нейтраллаш учун филтрдан ўтган эритмага HCl аста секин томизилди. Спирт ёрдамида адипин кислота Ажратиб олинди. Спиртли эритма буғлатилганида оппоқ рангли адипин кислота Ажратиб олинди. Спиртдан Ажратиб олинган моддага катализаторни Ажратиб олиш мақсадида сирка кислотаси куйилди. Адипин кислотани массаси ўлчанганида 1.236 г. (61.5%) ни ташкил қилди.

Худди шу реакция 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил дибензо-18-краун-6 катализатори иштироида ўтказилди. бунинг учун 1 г. (1.23 мл) циклогексен ўлчаб олиниб уни таги ясси колбага солдик. Бошқа колбада 100 мл сувда 5.2 г KMnO_4 эритиб олинди. Дастлабки колбага эритма аста секин куйилди. Эритма аралаштирилди. Циклогексен суюқлик юзасига чиқди. Колбага 0.1 г. 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил ДБ18 К6 солиб колбани устки қисми махкамланади. Колбадаги моддалар магнитли аралаштиргич ёрдамида аралаштирилган ҳолатда реакция 4 соат давомида олиб борилди. Реакция давомида калий перманганатни тўқ бинафша ранги қисман жигарранга бўялди. Моддалар филтрланганда филтрада MnO_2 қолди. Филтрдан ўтган суюқлик чинни косачада сув хаммомида буғлатилди. КОН ни нейтраллаш учун филтрдан ўтган эритмага HCl аста секин томизилди. Спирт ёрдамида адипин кислота Ажратиб олинди. Спиртли эритма буғлатилганида оппоқ

рангли адипин кислота Ажратиб олинди. Спиртдан Ажратиб олинган моддага аста секин бензол қуйилди у ердаги катализаторни Ажратиб олиш мақсадида. Чунки 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил ДБ18 К6 бензолда яхши эрийди. Адипин кислотани массаси ўлчанганида Массаси ўлчанди 1.37 г.(0.009 моль) (71%) ни ташкил қилди.

Реакциялар 6 соат 7 соат давомида ва 10 соат давомида ҳам олиб борилганида унумларда ўзгариш содир бўлмади демак хона хароратида юқори унум ТЭБАХ (три-этил бензил аммоний хлорид)да 61.5% .4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил дибензо-18-краун-6 фазалараро катализатори иштирокидаги реакцияда эса 71% ни ташкил қилди.

Навбатдаги циклогексенни оксидланиш реакцияси 60⁰С да олиб борилди. Адабиётда ҳам харорат шу даражага кўтарилган эди. Реакция учун 1 г. (1.233мл) циклогексен ўлчаб олинди уни механик аралаштиргич, тескари совутгич ва термометр билан жихозланган колбага солдик. Бошқа колбада 100 мл сувда 5.2 г KMnO₄ эритиб олинди. Дастлабки колбага эритма аста секин қуйилди. Колбага 0.1 г. ТЭБАХ (три-этил бензил аммоний хлорид) солиб колбани устки қисми маҳкамланди.

Колбадаги моддалар 1 соат давомида 60⁰ С хароратда аралаштирилган холда реакция олиб борилди. Реакция давомида идишдаги тўқ бинафша ранг ўзгариб бир оз жигаррангга бўялди. Реакция тугагач циклогексенни ўзига хос хиди бутунлай йўқолди. Реакция маҳсулотлари филтрланиб MnO₂ ажратиб олинди. КОН ни нейтраллаш учун филтрдан ўтган эритмага HCl аста секин томизилди. Эритма сув ҳаммодда буғлатилди. Спирт ёрдамида адипин кислота Ажратиб олинди. Ажратиб олинган адипин кислотаси массаси ўлчанганида 0.44г. (25%) ни ташкил қилди.

Юқоридаги реакция 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил дибензо-18-краун-6 билан ҳам такрорланди. Бунинг учун 1 г. (1.23 мл) циклогексен ўлчаб олинди уни механик аралаштиргич, тескари совутгич ва термометр билан жихозланган колбага солдик. Бошқа колбада 100 мл сувда 5.2 г KMnO₄ эритиб олинди. Дастлабки колбага эритма аста секин қуйилди. Колбага 0.1 г.

4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил ДБ18 К6 солиб колбани устки қисми маҳкамланади. Колбадаги моддалар 4 соат давомида 60⁰ С ҳароратда аралаштирилган ҳолда реакция олиб борилди. Реакция давомида идишдаги тўқ бинафша ранг ўзгариб қисман жигаррангга бўялди. Реакция маҳсулотлари филтрланиб MnO₂ ажратиб олинди. КОН ни нейтраллаш учун филтрдан ўтган эритмага HCl аста секин томизилди. Эритма сув ҳаммодда бўғлатилди. Спирт ёрдамида адипин кислота Ажратиб олинди. Массаси ўлчанганида 0.53г. ва маҳсулот унуми 30% ни ташкил қилди. Маҳсулот суюқланиш температураси ўлчанди ва кимёвий хоссалари ўрганилди.

Кейинги реакция учун ҳам 1 г. (1.23 мл) циклогексен ўлчаб олиниб уни механик аралаштиргич, тескари совутгич ва термометр билан жихозланган колбага солдик. Бошқа колбада 100 мл сувда 5.2 г KMnO₄ эритиб олинди. Дастлабки колбага эритма аста секин қуйилди. Колбага 0.1 г. ТЭБАХ (три-этил бензил аммоний хлорид) солиб колбани устки қисми маҳкамланади. Колбадаги моддалар 2 соат давомида 60⁰ С ҳароратда аралаштирилган ҳолда реакция олиб борилди. Реакция давомида идишдаги тўқ бинафша ранг ўзгариб бир оз жигаррангга бўялди. Реакция тугагач циклогексенни ўзига хос хиди бутунлай йўқолди. Реакция маҳсулотлари филтрланиб MnO₂ ажратиб олинди. КОН ни нейтраллаш учун филтрдан ўтган эритмага HCl аста секин томизилди. Эритма сув ҳаммодда бўғлатилди. Спирт ёрдамида адипин кислота Ажратиб олинди. Ажратиб олинган адипин кислотаси массаси ўлчанганида 0.68г. (38%) ни ташкил қилди.

Юқоридаги реакция 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил дибензо-18-краун-6 билан ҳам такрорланди. Бунинг учун 1 г. (1.23 мл) циклогексен ўлчаб олиниб уни механик аралаштиргич, тескари совутгич ва термометр билан жихозланган колбага солдик. Бошқа колбада 100 мл сувда 5.2 г KMnO₄ эритиб олинди. Дастлабки колбага эритма аста секин қуйилди. Колбага 0.1 г. 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил ДБ18 К6 солиб колбани устки қисми маҳкамланади. Колбадаги моддалар 2 соат давомида 60⁰ С ҳароратда аралаштирилган ҳолда реакция олиб борилди. Реакция давомида идишдаги

тўқ бинафша ранг ўзгариб қисман жигаррангга бўялди. Реакция маҳсулотлари филтрланиб MnO_2 ажратиб олинди. КОН ни нейтраллаш учун филтрдан ўтган эритмага HCl аста секин томизилди. Эритма сув ҳаммодда буғлатилди. Спирт ёрдамида адипин кислота Ажратиб олинди. Массаси ўлчанганида 0.76г. ва маҳсулот унуми 43% ни ташкил қилди. Маҳсулот суюқланиш температураси ўлчанди ва кимёвий хоссалари ўрганилди

Кейинги реакция учун ҳам 1 г. (1.23 мл) циклогексен ўлчаб олиниб уни механик аралаштиргич, тескари совутгич ва термометр билан жихозланган колбага солдик. Бошқа колбада 100 мл сувда 5.2 г $KMnO_4$ эритиб олинди. Дастлабки колбага эритма аста секин қуйилди. Колбага 0.1 г. ТЭБАХ (три-этил бензил аммоний хлорид) солиб колбани устки қисми маҳкамланади. Колбадаги моддалар 3 соат давомида 60^0 С ҳароратда аралаштирилган холда реакция олиб борилди. Реакция давомида идишдаги тўқ бинафша ранг ўзгариб бир оз жигаррангга бўялди. Реакция тугагач циклогексенни ўзига хос хиди бутунлай йўқолди. Реакция маҳсулотлари филтрланиб MnO_2 ажратиб олинди. КОН ни нейтраллаш учун филтрдан ўтган эритмага HCl аста секин томизилди. Эритма сув ҳаммодда буғлатилди. Спирт ёрдамида адипин кислота Ажратиб олинди. Ажратиб олинган адипин кислотаси массаси ўлчанганида 1 г. (58%) ни ташкил қилди.

Юқоридаги реакция 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил дибензо-18-краун-6 билан ҳам такрорланди. Бунинг учун 1 г. (1.23 мл) циклогексен ўлчаб олиниб уни механик аралаштиргич, тескари совутгич ва термометр билан жихозланган колбага солдик. Бошқа колбада 100 мл сувда 5.2 г $KMnO_4$ эритиб олинди. Дастлабки колбага эритма аста секин қуйилди. Колбага 0.1 г. 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил ДБ18 К6 солиб колбани устки қисми маҳкамланади. Колбадаги моддалар 3 соат давомида 60^0 С ҳароратда аралаштирилган холда реакция олиб борилди. Реакция давомида идишдаги тўқ бинафша ранг ўзгариб қисман жигаррангга бўялди. Реакция маҳсулотлари филтрланиб MnO_2 ажратиб олинди. КОН ни нейтраллаш учун филтрдан ўтган эритмага HCl аста секин томизилди. Эритма сув ҳаммодда буғлатилди.

Спирт ёрдамида адипин кислота Ажратиб олинди. Массаси ўлчанганида 1.236г. ва маҳсулот унуми 71% ни ташкил қилди. Маҳсулот суюқланиш температураси ўлчанди ва кимёвий хоссалари ўрганилди.

Кейинги реакция учун ҳам 1 г. (1.23 мл) циклогексен ўлчаб олиниб уни механик аралаштиргич, тескари совутгич ва термометр билан жихозланган колбага солдик. Бошқа колбада 100 мл сувда 5.2 г KMnO_4 эритиб олинди. Дастлабки колбага эритма аста секин қуйилди. Колбага 0.1 г. ТЭБАХ (три-этил бензил аммоний хлорид) солиб колбани устки қисми маҳкамланади. Колбадаги моддалар 5 соат давомида 60^0 С ҳароратда аралаштирилган холда реакция олиб борилди. Реакция давомида идишдаги тўқ бинафша ранг ўзгариб бир оз жигаррангга бўялди. Реакция тугагач циклогексенни ўзига хос хиди бутунлай йўқолди. Реакция маҳсулотлари филтрланиб MnO_2 ажратиб олинди. КОН ни нейтраллаш учун филтрдан ўтган эритмага HCl аста секин томизилди. Эритма сув ҳаммодда буғлатилди. Спирт ёрдамида адипин кислота Ажратиб олинди. Ажратиб олинган адипин кислотаси массаси ўлчанганида 1.23 г. (66%) ни ташкил қилди.

Юқоридаги реакция 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил дибензо-18-краун-6 билан ҳам такрорланди. Бунинг учун 1 г. (1.23 мл) циклогексен ўлчаб олиниб уни механик аралаштиргич, тескари совутгич ва термометр билан жихозланган колбага солдик. Бошқа колбада 100 мл сувда 5.2 г KMnO_4 эритиб олинди. Дастлабки колбага эритма аста секин қуйилди. Колбага 0.1 г. 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил ДБ18 К6 солиб колбани устки қисми маҳкамланади. Колбадаги моддалар 5 соат давомида 60^0 С ҳароратда аралаштирилган холда реакция олиб борилди. Реакция давомида идишдаги тўқ бинафша ранг ўзгариб қисман жигаррангга бўялди. Реакция маҳсулотлари филтрланиб MnO_2 ажратиб олинди. КОН ни нейтраллаш учун филтрдан ўтган эритмага HCl аста секин томизилди. Эритма сув ҳаммодда буғлатилди. Спирт ёрдамида адипин кислота Ажратиб олинди. Массаси ўлчанганида 1.42г. ва маҳсулот унуми 80% ни ташкил қилди. Маҳсулот суюқланиш температураси ўлчанди ва кимёвий хоссалари ўрганилди.

Реакциялар 6 соат 7 соат давомида ва 10 соат давомида ҳам олиб борилганида унумларда ўзгариш содир бўлмади демак хона хароратида юқори унум ТЭБАХ (три-этил бензил аммоний хлорид)да 66% 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил дибензо-18-краун-6 фазалараро катализатори иштирокидаги реакцияда эса 80% ни ташкил қилди. Бундан кўринадики 60⁰С хароратда катализаторларнинг юқори унум кўрсаткичлари бошқа ўзгармайди.

Адабиётларда келтирилганидек реакциялар яна ҳам юқори хароратда ўтказишга қарор қилдик. Навбатдаги реакцияларни 90⁰С да ўтказилди.

Бунинг учун яна 1 г. (1.23 мл) циклогексен ўлчаб олиниб уни механик аралаштиргич, тескари совутгич ва термометр билан жихозланган колбага солдик. Бошқа колбада 100 мл сувда 5.2 г KMnO₄ эритиб олинди. Дастлабки колбага эритма аста секин қуйилди. Колбага 0.1 г. ТЭБАХ солиб колбани устки қисми маҳкамланади.

Колбадаги моддалар 1 соат давомида 90⁰ С хароратда аралаштирилган холда реакция олиб борилди. Реакция давомида идишдаги тўқ бинафша ранг ўзгариб қисман жигаррангга бўялди. Реакция тугагач циклогексенни ўзига хос хиди бутунлай йўқолмади. Реакция маҳсулотлари филтрланиб MnO₂ ажратиб олинди. КОН ни нейтраллаш учун филтрдан ўтган эритмага HCl аста секин томизилди. Эритма сув ҳаммодда буғлатилди. Спирт ёрдамида адипин кислота Ажратиб олинди. Маҳсулот массаси ўлчанди 0.57 г. ва маҳсулот унуми 32% ни ташкил қилди.

Юқоридаги реакция 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил дибензо-18-краун-6 билан ҳам такрорланди. Бунинг учун 1 г. (1.23 мл) циклогексен ўлчаб олиниб уни механик аралаштиргич, тескари совутгич ва термометр билан жихозланган колбага солдик. Бошқа колбада 100 мл сувда 5.2 г KMnO₄ эритиб олинди. Дастлабки колбага эритма аста секин қуйилди. Колбага 0.1 г. 4', 4''(5'')-ди-учламчи-бутил ДБ18 К6 солиб колбани устки қисми маҳкамланади. Колбадаги моддалар 1 соат давомида 90⁰ С хароратда аралаштирилган холда реакция олиб борилди. Реакция давомида идишдаги тўқ бинафша ранг ўзгариб қисман жигаррангга бўялди. Реакция маҳсулотлари

филтрланиб MnO_2 ажратиб олинди. КОН ни нейтраллаш учун филтрдан ўтган эритмага HCl аста секин томизилди. Эритма сув ҳаммодда буғлатилди. Спирт ёрдамида адипин кислота Ажратиб олинди. Массаси ўлчанганида 0.75г. ва маҳсулот унуми 42% ни ташкил қилди. Маҳсулот суюқланиш температураси ўлчанди ва кимёвий хоссалари ўрганилди.

